



ТІВВІУТНОМА

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHRI

№ 02 2021 YIL 23 FEVRAL



МҮТЬТАБАР АЁЛЛАРИМИЗ БАЙРАМИ БИЛАН ҚУТЛАЙМИЗ!

Мұхтарама аёллар, мунис, мұтьтабар онахонлар! Тошкент тиббиёт академиясінің фахри бүлмиш зиёли опа-сингиллар, чукур илмий тафаккуры билан тиббиёт равнақыга муносиб ҳисса күшиш ниятида ўқиб, ўрганаёттан, излананаёттан талаба қызларим.

Сизларни яқынлашиб келаётган баҳор байрами ҳамда Халқаро хотин-қызлар куни билан чин дилдан самимий табриклайман. Мен бұған күксімдә катта ифтихор билан аёллари қадр топиб, оипалар эъзозда бўлган шундай муаззам юртнинг сиздай мұхтарамаларига самимий типлактаримни билдираёттанимдан мамнумнан.

Аёл деганда кўз ўнгимизда энг аввало меҳридәрё Оналаримизнинг мунис сиймоси гавдаланади. Оналарнинг қадр-қиммати сира миннат билмас бағрикенглиги ва олийжаноблиги билан ўлчанади.

Кичиккина жуссасида олам ташвишини кўтариб юрсада, юзидан табассуми аримаган, фарзандлари баҳту камолини ҳар қандай неъматдан устун билган садоқат фаришталари бугун миллій тиббиёт таълимни жаҳон андозалари

даражасига олиб чиқаётгандығынинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Тошкент тиббиёт академиясінің кўп минг сонли ахил илмий педагогик жамоаси таркибида сидқидилдан меҳнат қиласётган устоз ва шогирдларимиз, магистрлар, докторантлар, профессор ва академик аёлларимиз, шунингдек, катта илмий даргоҳда узоқ йиллардан бўён фаолият олиб бораётган ходималар, барча-барчангины чин дилдан кутлайман.

Ўзингиз сингари нозик қалбингиз асло дард чекмасин, кўзингизни яшнатиб камол топаётган фарзандларингиз шу элнинг ардоғи ва Яратганинг паноҳида бўлсин. Хонадонингизни файзли кунлар шукухи ҳамиша безаб туурсин.

Хурматли академиямизнинг фахри бўлмиш профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, суюкли қызларим Сизларга аввало оиласиб хотиржамлик, ўқиш ва келгуси илмий фаолиятларингизда улкан зафарлар тилаб қоламан.

Эҳтиром билан

**Тошкент тиббиёт академияси
ректори А.Шадманов**

2021 йил – Ёшларни қўллаб-куватлаши ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаши йили

ИЛМ ВА ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ТАСОДИФ ЭМАС, БАЛКИ ЗАРУРИЯТДИР

Буғунги кунда жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз халқи, Ватанимиз ҳақида сўз юритганда, “Янги Ўзбекистон” деган иборани тилга олмоқда. Бу бежиз эмас.

Зеро, сўнгги йилларда юртимиз ўз тараққиёти йўлида мутлақо янги, жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгариш, янгиланиш, испоҳотлар рўй бермоқда. Бу янгиланиш жараёнida мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган эртанинг кунимизнинг муҳим кучи – ёш авлод таълим-тарбиясига эътибор янада кучайди. Ёш авлод буғунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган испоҳотларнинг етакчи кучи бўлиб келмоқда. Хусусан, таълим, илм-фан, маданият санъат, спорт, тадбиркорлик, касб-хунар ўрганиш, бандлик, меҳнат муҳофазаси фаолиятини йўлга кўйиш ва ривожлантириш каби йўналишларда мақсадли ишлар йўлга қўйилди. Ўзбекистон ёшларини дунё ҳамжамиятининг рақобатдош мутахассисларга айлантириш ниятида таълим тизимини илмий, замонавий миллӣ ресурсларни тасарруф этиш орқали, миллӣ манфаатларни ифода этивчи услублар таълим тизимиға татбиқ қилинмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармонлари ва қарорлари, хусусан янги таълим тўғрисидаги қонун мамлакатимизда таълим тизимининг халқаро стандартлари асосида ривожлантириш, соҳага оид испоҳотларни муваффақиятли амалга оширишда, ўкув тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибаларни, инновацион педагогик ва ахборот технологияларни кенг жорий этиш, нодавлат таълим ташкилотлари лицензия асосида фаолият олиб бориши таълим соҳасидаги давлат назорати, таълимни ривожланишида асосий устун бўлди.

(Давоми 6-бетда.)

**Дунёда энг бебаҳо, аммо ҳамиша текинга
тарқатиладиган хазина бор.
Бу – Она меҳри...**

Ҳикмат



Ҳикмат

СҮЗЛАШУВ МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА АЛИШЕР НАВОЙЙ ЎГИТЛАРИ



Маданий мумалада сўздан фойдаланиш мухим масаладир. Шунинг учун ҳам халқимиз “Сўздан – сўзниг фарқи бор, ўттиз икки нархи бор”, деб бехуда айтмаган. Бу масалага халқимиз ва унинг буюк сиймолари, ижод соҳиблари қадимдан ёзтибор бериг келишган. Сўз ва унинг, сўзлашув жараёнидаги сеҳрли хизматлари, маънавий-маърифий ва тарбиявий хусусиятлари ҳақида улар томонидан қанчадан-қанча ҳикматлар, мақол ва ривоятлар яратилган. Халқ тилида ҳикматларнинг кўплаб кўлланишини ҳамма билади, албатта. Чунончи, “Яхши сўз филни ҳам йўлга солар”, “Ширин сўз билан илон инидан чиқар”, “Яхши сўз жон озиғи”, “Ёмон сўз бошни ёрап”, “Одам тилидан топар” каби мақоллар шулар жумласидан.

Айниқса, буюк мутафаккир Мир Алишер Навоий асарларида бу борада ажойиб ҳикматлар борки, улар айни пайтда миллий мумалала маданиятимизни ўзига хос томонларни ривожлантириш ва ёш авлодни таълим-тарбияси учун аҳамияти каттадир.

Алишер Навоийнинг тил, сўз ва нутқ ҳақидаги мақор ва ҳикматларининг бир қисми кишилар тили орқали бўладиган мумалала муносабатларидаги маданийлик, ширинсұханлик, сўзлашув-нутқ маданияти масаласига бағишлианди. Масалан, тили ёмон одам эл кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам оғат етказади... Хушсұхан одам юмшоқлик билан дўстона сўз айтади, кўнглига тувиши мумкин бўлган юз ғам унинг сўзи билан даф бўлади... кабилар шулар жумласидан. Бу каби ҳикматларни тарбиявий аҳамияти ниҳоятда кўпдир. Айниқса, талаба-ёшлар орасида, Навоий-хонлик даврларида шиор ҳикматларини, асарларидаги асл шеърий матнлари

Сўзлашув маданиятида тил ва нутқнинг роли ниҳоятда катта. Бу буюклик инсоннинг тили-сўзи, нутқи орқали ифодаланадиган ширинсұханлик, хушмуомалалик эса тилда, нутқда қўлланадиган ҳар бир сўзниг сеҳрли мазмунлари, қиймати, чегара-меъёри ва ўрни кабилар билан изоҳланади.

билан биргаликда таҳлил этилса, улар учун янада таъсирли ва фойдали бўлиши шубҳасиз. Ёшларимизда ширинсұханлик, хушмуомалалик этишмаса бир бор сұхбатлашганданоқ сұхбатдошлари ундан йироқлашибни ва укувсиз, қолоқ, дағал маданиятизиз киши саналиши турган гап, ҳатто ҳуснли, қад-комати келишган бўлса ҳам кўпчиликка ёкмайди.

Ҳазрат Навоий бу ҳақида қуйидаги ҳикматли сўзни ёзган:

Ҳусн-жамоли ўйқ одам ширин сўзли бўлса,
Гўзал ва ширин сўзи билан,
Барчани кўлга олади.

Ҳақиқатан ҳам инсон ҳамиша ширин сўзга муҳтоҳ бўлади. Ширинсұханлик ҳамиша ҳаммага хуш келади. Кишининг лаззатли сұхбати ҳам, мушкули осон бўлиши ҳам ана шу ширинсұханликандир. Ширин тил билан мумалада бўлсанг, душман ҳам дўстлашиб кетиши мумкин. Ширинсұханлик беморга шифо бағишлиайди.

Табобат илмининг тождори Абу Али ибн Сино ўзининг кўп йиллик ҳаётий тажрибасига асосланган ҳолда қуйидагича ёзади: “Инсон ҳар доим навқирон, бардам бўлиши учун бошқа одамларни ўз сўзи билан ранжитмаслиги, айни пайтда ўзи ҳам хуштабиатлик, ширинсұхан бўлмоғи лозим”.

Сўз санъатининг тождори Мир Алишер Навоий ҳам қуйидаги ҳикматларни битганлар:

Берур ул бир ўлуққа жон сўзидин,
Танаро кирғузур равон сўзидин.
Жисм бўйстонига шакар сўздир,
Руҳ ашкорига самар сўздир.

Навоий сўзниг сеҳрига, куч-қудратига катта баҳо беради. Сўзниг сеҳрли кучи шундаки, унинг кўпмаянолиги ва ўз ўрнида юмшоқ кўлланилишида. Сўзни ширинсұханлик билан ишлатиш санъатдир. Шоирнинг фикрича сўз билан ҳар қандай кишини яхшилик хислатларни сингдириш имкони бор. Ширинсұханлик – нафосат. “Нафосатнинг жони бор” дейдилар. Навоийнинг фикрича, ширин тил ёки ширинсұханлик билан қилинган мумалала кишини сеҳрлаб кўйиши мумкин. Ширин тилга маҳлиё бўлиб шимирган майидан солинган заҳарнинг

кучини ҳам сезмай қолади, киши:

Хуш сўзга ким ўлса масту бехуш,
Шарбатаро заҳарни қулур нўш.

Сўз санъаткори ҳазрат Навоий ҳар бир сұхандон яни нотик ёки сўзловчи ширинсұханликни ўзига шиор ва одат қилиб олса, унинг нутқида сўзлар ёқимли ва чиройлилиги билан гўзал баҳор фаслини, унинг гулгунчаларини эслатиб туриши керак, дейди:

Ҳар ким, сучуксўз демак шиоридадур,
Маъни гули нутқининг баҳоридадур.
Кўп сўзлаш ҳам яхши фазилат эмас-лигини балки узоқдан-узоқ кўп гапирган кишининг нутқида хатолик содир бўлиши, бу хатолик эса ўзининг бошига бало келтиришини таъкидлайди:

Оғзингга келган тақаллум ришишасин
Чекма узун,
Ким бу ишдан сарнигунлик юзланиб,
Нуқсон келур.
Оз сўзлаганидун истиқомат ҳосил,
Соҳиблигидун валие саломат ҳосил.

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоий нутқ маданияти соҳасида жуда кўп ажойиб ҳикматлар яратганки, улар ҳақида алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Чунончи, шоир асарларидан бу соҳадан ташқари яна халқпарварлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, дўстлик, меҳр-муҳаббат ва оқибатлилик, ростгўйлик, илму ва маврифатпарварлик хислатларини тараннум этишга тил, сўз ва нутқнинг роли ҳақида жуда кўп ҳикматлари бор. Умуман, она тилимизни мўтабар хислатлари кўп, тилнинг жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам Навоийнинг фикрлари юқоридағидек мисраларда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда чекисизdir. уни севиб ўрганиш, эъзозлаш, миллийлигини сақлаш ва тараққий эттириш мутафаккир Навоий айтганидек, ҳамманинг муқаддас визифасидир:

Бу тип бирла, то назм эрур ҳалқ иши,
Яқин қилмамиш ҳалқ сенингдек киши.

Акмал АСЛНОВ,
Тошкент тиббиёт академияси
Ўзбек ва хорижий тиллар
кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н.





Бобур ота томондан түрт авлод билан Амир Темурга, она томондан бобоси Юнусхон ўн икки авлод билан Чингизхана боғланган эди. Кўринадики Бобур иккى буюк супола тулашган нуктада дунёга келган машҳур шахслардан биридир. Бобур қисқа умри давомида мураккаб, курашларга бой ҳаётни ва икодий фаолият йўлини босиб ўтди. Отаси Умаршайх 1494-йилда фожеалии вафот этгач, 12 ёшда Фарғона таҳтини эгаллайди. 1497-, 1500-, 1501-йилларда Самарқандни фатҳ этишига қарамай, турли сабабларга кўра Самарқандда хукмронлик қилиш насиб қилмайди. 1503-йилда Қобул ва Фазнани жангсиз таслим этиб, ўзини шоҳ деб эълон қиласди. 1526-йилда, бешинчи уриниша Ҳиндистонни эгаллайди ва Европада машҳур “Буюк Мўғул империяси”га асос солади. Бобур Ҳиндистонда адоплати қонунлар чиқарди, жумладан гайридинлар солиги жузяни бекор қиласди, ўлган эрининг жасадига тирик хотинини ҳам қўшиб ёқишини тақиқлайди. Боғлар ва турли би-

БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИК ҚИЛГИЛКИ, МУНДИН ЯХШИ ЙЎҚ

Захириддин Мұхаммад Бобур атоқли давлат арбоби, саркарда, шу билан бирга истеъдодли шоир, тарихчи ва таржимондир.

нолар курдиради. Бобурнинг Ҳиндистонни эгаллашдан мақсади бойлик ортириш ёки мустамлака ўлқани талаш бўлмаган, балки юрти обод, ҳалқни фаровон қилишин ўз мақсади деб билган. Ҳиндистонликлар Бобур ва унинг авлодларини жуда хурмат қилишган. Ҳиндистонлик машҳур ёзувчи Муни Лаъл Бобур ва бобурийлар ҳақида б та роман ёзган. Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлиги 1858-йилгача давом этади.

Бобурдан бизгача етиб келган энг ногидир асар “Бобурнома” асаридир. Бу асар 1494-йилдан 1529-йилгача Бобур атрофида кечган воқеаларни ҳаққоний акс эттириши билан ажralиб туради. “Бобурнома”ни инглиз тилига таржима қиласган Эрскин Бобурни бундай таърифлаган эди: “...саҳоватлилиги, мардлиги, фанга, санъатга мұхаббати ва улар билан мұваффақиятли шуғулланиши жиҳатидан олиб қараганда, Осиёдаги подшолар ичida Бобурга тенг келадиган бирорта ҳам подшо тополмаймиз”.

Бобурнинг умри от устида ўтишига қарамай лирик асарларини жамлаб 2 та де- фон тузган. Фақаттинга Ҳинд девони бизгача етиб келган. Бобур лирикаси тили ва услуги жиҳатидан ниҳоятда содда ва равондир. У жўушкни ва мусиқий мисраларида ҳаётий образлар яратса олди.

Сен гулсану мен ҳақир булбулдурмен,
Сен шуъласен ул шуълага мен қулдурмен.
Нисбат ўйқур деб ижтиоб айламаким,
Шоҳмен элга, вәле сенга қулдурмен.

Кўп йиллик оғир жанглар, туғилиб ўғсан юртидан йироқлашиш Бобурни эзди, Ватанини кумсайди. Ёр-дўстларини соғинади, Фарғонадан қовон келтирганларида, қовунни сўйиб аччиқ-аччиқ йилгайди. Лекин умрининг охиригача Ватанига қайтиш орзу- сидан айрила олмайди.

Бобурнинг ҳаёт йўли ва асарлари кепа- жак авлод учун тарбия мактабидир.

Академик лицейимизда ҳар йил анъ- навий тарзда буюк ажоддларимиз Алишер Навоий ва Захириддин Мұхаммад Бобур таваллудига бағишлиланган тадбирлар үтказиб келинади. Бу йил ҳам ушбу сана- га бағишлиланган тадбир кўтарини руҳда үтказилди. Унда ўқувчиларга ажоддларимизнинг бой меросини ўрганиш мухимлиги таъкидлаб ўтилди.

Келажак авлодни маънавиятли инсон қилиб тарбиялашда Алишер Навоий ва Захириддин Мұхаммад Бобур асарлари бизга яқиндан ёрдам беради.

**Д.ИСМОИЛОВА,
ТТА академик лицейи
тиллар кафедраси мудири**

атоқли шоир, ёзувчиларига, буюк ажоддларимизга ҳайкаллар ўрнатилди. Олий ўқув юртларига, шу жумладан севимли шоирамиз Зулфия Истроилова ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш Тошкент тибиёт академиясига юқлатилиди. Шу асосда Тошкент тибиёт академияси ёшлар билан ишлаш бўлими бошлиги Т.Бобомуродов, хотин-қизлар кўмитаси раиси Л.Абдуқодирова, ўзбек ва хори- жий тиллар кафедраси мудири Р.Абдуллаева, катта ўқитувчилар К.Авилова ва А.Аслоновлар бош- чилигига ўзбек ва хориҷий тиллар кафедрасида Зулфияхоним хонаси ташкил этилди. Мазкур хонада Зул- фия ҳаёти ва ижодига бағишлиланган банинерлар, кўргазмали материаллар, шоиранинг китоблари мавжуд. Шунингдек, бу хонада ўқитувчилар ва талабалар очиқ дарслар ва тадбирлар ташкил этишда фойдаланишлари мумкин.

**Клара АВИЛОВА,
Ўзбек ва хориҷий тиллар
кафедраси катта ўқитувчиси**

Зулфия таваллуди олдидан

ШЕЪРИЯТНИНГ МАНГУ ЖИЛОСИ

Деразамининг олдуда бир туп
Үрик оплок бўлиб гуллади...
Новдаларни безаб ғунчалар,
Тонгда айтди ҳаёт отини
Ва шаббода кўргур илк саҳар
Олиб кетди гулнинг потини.

Қандай майнин, руҳни аллалов- чи, кишининг бутун танасига ором- баҳши нафас олиб кирувчи ўрик гу- лидай тоза, бегубор, шаббоданинг эпкинидай роҳатбахш сатрлар...

Кишига бир олам завқ, маъни- вий, руҳий озуқа бағишловчи, Ва- танга, юртга, ёрга садоқат руҳиди тарбияловчи сатрлар, шеърлар, ғазаллар, қасидалар садоқат ва муҳаббат тимсоли, ўзбек аёли, ҳалқимизнинг суюкли, забардаст шоираси Зулфияхоним қаламига мансубдир. Ҳарф таниб, китобга эзтиқод кўйтанимиз ондан бошлаб Зулфия шеър ва ғазаллари, до-

стонларини ёдлаб, унинг шеърла- рига басталанган куй, кўшикларни тинглаб катта бўлганимиз рост. Унинг “Ҳаёт варажлари”, “Хулкар”, “Мен тонгни кўйлайман”, “Дугона- лар билан сухбат”, “Тонг билан шо- маро”, “Юрагимга яқин қишилар”, “Сўроқлайди шоирни шеърим” каби қатор шеърий туркмлари достонлари, пьеса ва опера ли- бреттолари ҳалқимиз қалбидан кенг ўрин олган, ўрта, ўрта маҳсус, олий таълим дарсларнига кири- тилган. Шунингдек, унинг асарлари бир қанча чет тилларига ўтирилган. Шу билан бирга Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Адиблар хиёбонини адабиёт ва маърифат масканига айлантириш, ҳар бир адаби ҳайкални муайян олий ўқув юртига бириттириб, бу ерда очиқ дарслар, маънавий-маъ- рифий тадбирлар үтказиш бўйича тавсиялар берилди. Шу қарорга мувофиқ режа асосида ишлар олиб борилиб, хиёбонда ҳалқимизнинг

ҳар йили давлатимиз раҳбарининг тегиши Фармонига биноан, таъ- лим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга ёритиш, ўн тўрт ёшта тўлган ҳамда ўттиз ўшта ошмаган иқтидорли қизларга берилади.

2017 йилнинг 18 апрелида “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий борги ҳудудида Адиблар хиёбонини барпо этиш тўғрисида”ни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди. Адиблар хиёбонини адабиёт ва маърифат масканига айлантириш, ҳар бир адаби ҳайкални муайян олий ўқув юртига бириттириб, бу ерда очиқ дарслар, маънавий-маъ- рифий тадбирлар үтказиш бўйича тавсиялар берилди. Шу қарорга мувофиқ режа асосида ишлар олиб борилиб, хиёбонда ҳалқимизнинг

*Аёл учун арзимас нарсалар ҳам улкан
аҳамиятга эга эканини кўп эркаклар билмайди,
шунинг учун доим тумилиб қолишиади.*



**Жамиятнинг қай даражада
ривожланганлигини унинг аёллар
ва болаларига кўрсатаётган
ғамхўрлигидан англаса бўлади.
Жамият қанчалик бой бўлса, у ўз
ютидаги болалар ва аёлларга
шунчалик ғамхўрлик кўрсатади.**

Ҳақиқатан ҳам юртимиз мустақилликка эришган илк йилларданоқ аёллар ва болалар саломатлигига бўлган эътибор сиёсат даражасига кўтарилиди. Оила қуриш, она бўлиш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, болани ҳар томонлама соғлом, интеллектуал етук инсон қилиб тарбиялаш – бу улкан баҳт дея уқтирилди.

Хозирги кунда жамиятимизда аёл қишига бўлган эҳтиром жуда улуғланади. Аёлларга бўлган юксак эъзоз ва эътибор ҳар йили Президентимиз фармонлари билан кўплаб хотин-қизларнинг юксак унвонларга, орден ва медалларга сазовор бўлаётганлигига ҳам кўриш мумкин. Ёш қизларимизни маънавий сависини юксалтириш мақсадида узоқ йиллардан бўён Зулфия мукофоти билан тақдирланиши ҳам мамлакатимиз хотин-қизларининг эззи интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратиллаётган кенг имкониятларга яна бир дагилдини.

Дарҳақиқат, аёлларимиз жамиятимизнинг кўп қисмини ташкил этади, агар статистик маълумотларга назар солсак, жумладан, республика аҳолисининг 51 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиб, қишлоқ хўжалигига 39 фоиз, илм-фандга 37 фоиз, ҳалқ хўжалигига 42 фоиз, соғлиқни сақлаш тизимида 73 фоиз, ҳалқ таълимида 65 фоиз хотин-қизлар фаолияти кўрсатар экан. Республикамизда олий ва ўрта маҳсус таълимга эга бўлган мутахассисларнинг ҳар иккинчиси аёлдир. Тиббиёт соҳасидаги илмий ходимларнинг қарийб 53 фоизини аёллар ташкил этади. Шундай экан, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бугун жамиятнинг деярли ҳеч бир муаммосини, давлат қуриш вазифасини ҳам аёллар иштирикисиз ҳал этиш мушкул.

Юкорида айтиб ўтганимиздек, давлатимиз томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фоллигини кўплаб-куватлаш, уларни оила, жамиятдаги мавқеини ошириш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоя

қилиш ҳамда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш – давлатимиз олдида турган энг устувор вазифаларидан биро бўлиб келмоқда.

Шу сабабли, ТТА ХҚҚ олдида турган устувор вазифалардан биро – ёшларни маънавий баркамол, гоявий курашчан, миллат ва давлатнинг барқарорлиги ҳамда тараққиёти йўлида ўз кучини аямайдиган, миллий қадриятларни улуғлайдиган, маънавий таҳдидларга қарши турга оладиган, ўзида фидойилик ва дахлдорлик ҳиссini мужас-самластирган инсонлар қилиб тарбиялашдир.

Шу билан бир қаторда талаба-



зарур?", "Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича қабул қилинган ҳукумат қарорлари", "Оила ва жамият мутаносиблиги", "Бехатар оналик. Контрацептив воситаларнинг замонавий турлари" каби мавзуларда қатор давра сухбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Хотин-қизларимизни бўш вақтини мазмунли ўтказиш, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ҳамда уларни ҳунарни бўлишини таъминлаш мақсадида талабалар турар жойида тикувчилик хонаси очилган бўлиб, у ерда 6 та тикув машинаси ўрнатилган. Хона керакли жиҳозлар, тикувчилик анжомлари билан тўлиқ

ўқитувчилари иштироқида қатор давра сухбатлари ўтказилди.

ТТА ХҚҚ иштироқида Тошкент шаҳри бўйича аҳоли ўртасида "Соглом турмуш тарзи" мавзуусида қатор учрашув ва давра сухбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Юкорида амалга оширилган тадбир ва учрашувлардан кўринадики, биз бугун ёш авлод тарбиясига ҳар қаонгидан ҳам кўра катта эътибор бермоқдамиз. Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз – бу ўсиб келаётган ёш авлоддир. Биз мамлакатимиз ва мустақиллигимиз келажагини шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, ёркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашда кўрамиз. Шундай экан, ўсиб келаётган янги авлодни ким она алласи билан эзгуликка ўргатади, ким уни парвариши қиласи, ким уни Ватанга, ҳалқка садоқат руҳида тарбиялаиди, ким етук инсон қилиб вояга етказади? Албатта, бу улуғ ва масъулиятли иш факат оналарнинг кўлидан келади.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсан, биз аёл дегандা, аввало, онани тушунамиз. Унда бутун олам қувончи, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассам. Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган инсон ҳақиқи ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Ҳар бир Аёлнинг нияти битта, у ҳам бўлса юти тинч, оиласи фаровон бўлишидир. Ҳар бир аёлнинг орзузи ягона – у ҳам бўлса фарзандларнинг камолими кўриш.

Қадрли опа-сингиллар! Азиз ва муҳтарама аёллар, гўзал ва дилбар опа-сингиллар! Барчангизни ТТА ХҚҚ номидан кириб келаётган кўшалоқ байрам – 8 март – Ҳалқаро хотин-қизлар куни ҳамда яниланиш даври – Наврӯзи олам билан чин юрақдан табриклиймиз. Сиз ва сизнинг тимсолингизда оила аъзоларингизга соғлиқ, хотиржамлик, иш ва ўқишларингизга омад тилаймиз.

**Л.АБДУҚОДИРОВА,
TTA XҚҚ раиси**

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – ВАТАННИ ЭЪЗОЗЛАШ ДЕМАКДИР

қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам бизнинг олдигизда турган энг асосий вазифалардан биро. Бу борада эл ардоғидаги шоир ва ёзувчилар, Зулфия мукофоти совриндорлари билан учрашувларни ташкиллаштириш – ёшларимиз қалбида ватанпарварлик ва миллатпарварлик тўйғуларни ўйғотади. Яна бир нарса, Ватан – оиладан бошланади. Оиланинг тинч-тотувлиги эса ёшларимизнинг нафақат ахлоқий жиҳатдан, балки ёши жиҳатдан ҳам оила қуриша тайёр бўлишларига боғлиқ. Қизларнинг жуда ёш турмушга чиқиши ва уларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслиги салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин. Бу борада талаба-ёшларни оила қуриша тайёрлаш мақсадида "Ораста қизлар" тўғараги ташкил этилган бўлиб, бу мактаблар турар жойида юашви талабаларнинг кийм-кечакларини таъмирлаш ишларини ҳам йўлга қўйиш мўлжаллланганди.

Ректоримиз ташабbusлари билан ТТЖЛарида "Пазандачилик", "Тўйкувчилик", "Орасталик", "Сартарошлик" каби 10 дан ортиқ тўғараклар ташкил этилиши реjalаштирилди. Талаба-ёшларни ҳуқуқий онгини ошириш, маънавиятини юксалтириш, диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш мақсадида Ички ишлар, Диний қўмита, туман ҳокимлиги вакиллари ҳамда Ислом университети



“Ер юзида сўз ва соуз санъати, шоуру ҳофиз, рассом ва ҳайкалтарош пайдо бўлибдики, она ва аёл зоти юксак пардаларда тараннум этиб келинади. Улуғ шоуримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, “Оламда аёл мадҳига достон тугамайди”. Чунки, аёл сиймоси Яратганинг тенгсиз мўъжизаси бўлиб келган ва ҳамиша шундай бўлиб қолади”.

Ш.МИРЗИЁЕВ

АЁЛ – ЖАМИЯТ ГУЛТОЖИ

Халқнинг улуғ миллат бўлиб оёққа туриши биринчи галда оналарнинг маънавияти, маданияти ва саломатлиги билан боғлиқ. Аёлнинг ўрни, унинг бунёдкорлик фаопияти ҳамма давлатларда ҳам улугланиб келинган.

Хар бир аёлнинг тақдирида ҳаётимизнинг, ҳаётимиз тарихининг бир бўлаги бор. Ҳозирги кунда ҳам жамиятнинг тенг ярмидан иборат бўлган аёлларимиз меҳнатда, мадданий ва маънавий ҳаётда, жамоат ишларида етакчи ўрин эгаллайдилар. Бошқача қилиб айтганда том маънодаги маънавияти аёлгина баркамол, комил инсонни тарбиялайди. Эл-юрт аёлни қанча иззат қиласа, қадру қийматини баланд тутса шунча кўп маънавияти фарзандлар улғаяди.

Қайси жамият аёлига беэтибор бўлса шундай ютқазадики, кейин бундай моддий ва маънавий кемтикликни ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Мамлакатимиз тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш йўлидаги самарали меҳнатлари, эзгу фазилатлари билан ҳаммага ўнрак бўлиб келаётган аёллар эртанги кун истиқболи йўлида ҳар жабхада тинмай меҳнат қилиб келмоқдалар. Аёл – она, аёл – тарбиячи, аёл – мураббий. Ана шу эзгу хислатлар бир вужудда бу мужассамини топгани тифайли аёл баркамол, комил инсонни тарбиялай олади. Унинг пурхикмат ва пурмашно ўйтлари, насиҳатларида олам-олам ҳақиқат дурданлари жилоланиб туради.

Ана шундай фидойи, ўз касбининг чинакам жонкуярлари Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида фаолият юритиб, эртамиз эгаларини нурафшон йўл сари етаклаб келмоқдалар. Жумладан, академик лицейнинг биология кафедрасида фаолият юритиб, минглаб шогирдларни тарбиялаган моҳир педагог, ўрта-маҳсус таълим аълочиси, “Шуҳрат” медали соҳиби Д.Бабаханова, ўз касбининг устаси ўрта-маҳсус таълим аълочиси, олима Р.Бабаева, ёшларга ҳалоллик, тўғрилик йўлини уқтирган неча-неча ўғил-қизларни учирма қилиб, танлаган касбининг устаси бўлишига асосий сабабчиларидан бўлган, ахлоқий қадриятларни тиклашда таълим-тар-



бияни узвийлика олиб бораётган ижтимоий кафедра мудири Ш.Юнусова, олима аёллар Халқ таълими аълочиси С.Нажимова, Д.Шодиева, бўлажак шифокорларни кимё сирларига ошуфта қилган, бугунги кун шифокорларни тетапоя қилидириб, тибиёт оламига етакланганинг устозлар С.Акмалова, Х.Рустамова, “Дўстлик” медали соҳибаси, йиллар давомида ўз ўқувчиларини Менделеев Халқаро олимпиадасига тайёрлаб, нуфузли ўринларни эгаллаб, юртимиз байробгини юқори чўққиларга кўтариб келаётган Р.Жўраева, ёшларни эркин фикр, чукур қатъият адабий тафakkурларини теранлантишига хизмат қилаётган фидойи устозлар М.Хикматова, Д.Исмоилова, С.Расулова, Г.Содикова, ёшларни келажак ҳаётида аниқ мақсадлар, тўғри қарорлар сари етаклашда хизмат қилаётган А.Мўминова, Б.Абдуқодирова, жаҳон минбарларида ҳеч бир давлатдан қолишмай сўзлашга шай турган ёшларни тарбиялаётган устозлар З.Абдуваҳобова, Г.Файзиева, психолог Х.Усмоноваларнинг хизматлари бекиёсdir. Уларнинг ҳалол меҳнатлари, самарали изланишлари жамиятнинг эртанги кун эгаларининг порлоқ истиқболига замин ҳозирламоқда. Уларнинг ҳар бири юксак камолоти, салоҳияти истеъоди ва эркин

инсоний фазилатлари билан чинакам фидойи аёллардир. Негаки ахлоқ, тарбия, таълим узвийлика маънавиятининг негизини ташкил қиласи. Айнан шу туфайли таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар бир шахсда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантиради. Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида фаолият юритаётган аёллар чин маъноди ўз касбининг фидойиларида.

Жамият маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда, ахлоқий қадриятларни тиклашда таълим-тарбия соҳаларини аҳамияти бениҳоя каттадир. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбия соҳасидаги қадриятларимиз бизлар учун фақат миллӣ меросгина эмас, балки инсоний маънавий бойлик ҳамдир. Ана шу миллий, ахлоқий қадриятларимизни тиклаш, улардан тўла баҳраманд бўлиш, ёш авлодни улар билан таништириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашда одамларда инсонпарварлик, ватанпарварлик сингари фазилатларни қарор топтиришда мухим омил бўлиб хизмат қиласи ва бунда жамият гултожи ҳисобланмиш аёлларнинг ўрни бекиёсdir.

Нигора ҲАКИМОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
академик лицейи
Ёшлар билан ишлаш,
маънавий ва маърифий ишлар
бўйича директор ўринбосари



ЯПОНИЯНИНГ “AOIKAI MEDICAL CORPORATION” КОМПАНИЯСИ БИЛАН ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда миграция соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотларга кўплаб мамлакатлар сингари япон компанияларида ҳам катта қизиқиш уйғонмоқда. Бу эса икки мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларнинг тобора мустаҳкамланиб боришига сабаб бўляпти.

Жумладан, ўтган йилнинг 22 сентябрда Япониянинг Ўзбекистон элчиноаси Япониянинг “AOIKAI MEDICAL CORPORATION” компанияси вакиллари билан учрашиб, икки давлат ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг кейинги истиқболи режалари тўғрисида бир неча тақлифларни ўргата ташлаган эдилар. Учрашувни ана шу мақсаддат келишувнинг мантиқий давоми дейин мумкин.

Тиббиёт академияси билан Япониянинг “AOIKAI MEDICAL CORPORATION” компанияси

ўртасида имзоланган меморандум якни келажақда тиббиёт академияси ёшларининг кунчиқар мамлакатда ўқиш ва ишлаш имкониятини беради.

Учрашувда Эрё Соҳсий Университети проректори, GEINNESS РЕ-КОРДлар китобига кирган машхур инсон, созиши бўйича уч карра жаҳон чемпиони ТЯГАЧИ НАБУТАКА компания тўғрисидаги ва ўзи ҳақидаги қизиқарли маълумотлар билан ўртоқлашди.

Тошкент тиббиёт академияси талаба-ёшларининг катта қизиқишига сабаб бўлган бу ну-

фузли корпорацияяга 1978 йилда асос солинган. Асосий фаолияти тиббиёт, ижтимоий ёрдам ва меҳмонхона хизматидан иборат. Умумий ишчилари сони 15 мингдан ортиқ компанияда айни кунда 300 нафарга яқин чет эллик фуқаролар ишлайдилар. Корпорация таркибида 30 та касалхона, 81 кексаларни парваришилаш марказлари, 11 та мактабчага таълим мусассаларни, япон тили маркази, коллеж ва тиббиёт соҳасига ихтисослашган университетлар ҳам мавжуд.

Бўлиб ўтган учрашувда талаба-

ёшлар учун катта имконият мавжудлиги борасида қизиқарли маълумотлар берилди. Хусусан, япон тилини билиш дараҳасига қараб улар, Японияда ўқиш учун маҳсус грант лойиҳаларида иштирок этишлари мумкин. Меморандум шартларига кўра корпорация иқтидорли талабаларни 100 фоизли грант асосида ўқишига қабул қилишини ўз олдига мақсад қилиб кўйган. Дунё миқёсида энг узоқ умр кўрувчилар рўйхатида туродиган японлар учун ижтимоий ҳимоя тизими мукаммал ишлаб чиқилган. Ҳатто бу борада давлат дастури ишлаб чиқилган. Унга кўра чет эллардан ишга жалб этилаётган тиббиёт ходимлари ва ёш мутахассисларга қариялар ва якка ёлиз кексаларни парваришилаш, уларга тиббиёт ёрдам кўрсатиш ишларига таклиф этилади.

**Тошкент тиббиёт академияси
Матбуот хизмати**

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаши йили

ИЛМ ВА ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ТАСОДИФ ЭМАС, БАЛКИ ЗАРУРИЯТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таълим соҳасидаги ислоҳотларда педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинди. Янги таҳрирдаги Таълим тўғрисидаги қонуннинг 45 моддасида педагог ходимларнинг мақоми ва уларнинг фаолиятлари кафолатланди. Шу билан бирга педагогларнинг ўз касби фаолиятидаги мажбурийатлари ҳам белгилаб кўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида ёшлар ҳукуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилиш ташаббуси ёшлар ҳукуқи, уларнинг тинч ва соглам яшashi ҳамда таълим олишига бўлган тўлақонли ҳукуқини тушунамиз. Бутун дунё давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам коронавирус пандемиясини бошидан кечириши, мураккаб даврга қарамай, сифатли ва мумкаммал таълим олишини таъминлаш ҳамиша устувор вазифа бўлиб келди. Бугунги кийин шароитда ҳам ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар асосида таълим олишининг масофавий, инклипозив шакллари жорий мусассалар билан кўшма факультет ва ўкув марказларини ташкил қилишга рухсат этилди. Бугунги вазиятдан келиб чиқкан ҳолда ёшларни, ўкувчи ва та-

лабаларни, педагогларнинг саломатлигини асраршаш максадида тиббиёт антисептик во-ситалар билан таъминлаш учун инқирозга қарши кўрашиш жамғармасидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ёшларимизни олий ўкув юртларига кириш учун топширган ҳужжатлари кўрсаткичи ўтган йилларга нисбатан 40 фоизга кўп бўлиши ҳам таълимга бўлган талаб ва эътиборни ортиб бораётганидан далолат беради. Олий ўкув юртнинг кундузги бўлумига қишлоқ жойларida яшаётган кам таъминланган оиласларнинг қизлари давлат грантни асосида ўқишига 940 ўрин ажратилди. Бу ўз ўрнида ёш қизларимизни келажақда муносиб касб эгаси бўлишга замин яратади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансга пойдервор яратиш хақида сўз юритар экан, бунда янги тараққиётнинг таркибий қисмлари – ижтисодиёт, таълим-тарбия, илм-фан, тиббиёт, маданиятни бугунги тараққиётимиздаги алоҳида ўрнини белгилаб берди. Президентимиз Мурожаатномада “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деганғояни илгари сурғанини ўшларга таълим берини сифатини ошири билан бирга рақобатдош кадрларни етиширишда мумхим аҳамиятли ғоядир. Давлатимиз раҳбари соглиқини сақлаш тизимини ривожини янги босқичга кўтариш, тиббиётни бирламчи

бўғинини янада кучайтириш, бунда умумий амалиёт шифокори ўрнига оиласиёт шифокор ва унга 5 нафар ўрта тиббиёт ходимдан иборат “Тиббиёт бригада” ташкил қилинишига тўхталиб, буларнинг ҳаммаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сифатли самарали тиббиётга қаратилган.

Шу ўринда бу жараёнда ўрта маҳсусда таълим олган ёшларни ҳам иш билан бандлигини таъминлайди деб эълон қилинишига Ўзбекистон сиёсати ижтимоий йўналтирилган, ижтисодий барқарорлик йўлида мумхим қадам бўлиб юрт келажаги бўлган ёшларга эътибор, аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятга келажакка эътибор бўлмоқда. Мурожаатномада келтириб ўтилганидек, буюк аждодимиз Имом Мотуридий Ҳазратлари айтганларидек “Тириклик ҳикматини соғлиқида деб билгин”. Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоий таъкидлаганидек ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, “Қуёшлик истасанг касби камол эт”. Ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, тарбия, илм беринишини ўз ҳиссамизни қўшар эканмиз бунинг учун яратилган имкониятлар ва салоҳиятимиз ҳам етарли.

**Шаҳноза ЮНУСОВА,
Тошкент тиббиёт академияси
академик лицейи ижтимоий
фанлар кафедраси мудири**

Ҳикмат



*Аёл латофатини уч нарса ўйқа чиқаради:
қайсаарлик; асабийлик; баланд овоз.*

Ҳикмат



Тошкент тиббиёт академиясининг 100 йиллигига бағишиланади

ТИРИКЛИКДА ҚҰЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

Биоэтика беморларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилади.

Қаҳрамонимиз, марҳума Малика АБДУЛЛАХҮЖАЕВА рационализатор сифатида Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб, худди шу соҳага асос солди. Тиббиётнинг серқирра йўналишлари ичида энг мураккаб ва масъулиятли йўлни танлади. Ўзбекистонда патологик анатомия йўналишининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшди. Малика Абдуллахўжаева бугун орамизда йўқ. Бироқ ўзбек олимасининг мазмунли умр йўли, сермаҳсул ва серқирра илмий-амалий меҳнат фаолияти мудом эъзозда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академики, Халқаро Патология анатомиясининг Марказий Осиё бўлими Президенти, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўргатсан фан арбоби, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Республика Патологик анатомия маркази директори, XX асрнинг энг кўзга кўринган 500 нафар олимларидан бири эди. М.Абдуллахўжаеванинг инсониятга хизмат қилаётган умбройи имли муносиб баҳоланиб, „Мехнат шұраты“ ордени соҳибаси бўди.

Ийрик патологоганатом сифатида Ўзбекистон ва МДҲ мамлакатларида трансплантацион иммунитетни ўрганиш орқали иммун патология ривожланиши равнавига катта ҳисса қўшди. МДҲ давлатларида биринчи марта макро ва микроскопия телемедицинанинг Телепатология йўналишини ташкил этилиб, биопсия бўйича Европанинг барча мамлакатларида шифокорлар билан консультация олиб бориши ва барча тиббиёт институтлари талабаларини дистанцион ўқитиш имконияти яратилди.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти эксперти сифатида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ўтган Халқаро конференцияларда ўнлаб маъруслари билан иштирок этган ўзбек олимасига АҚШнинг Калифорния штатида Фреесно шаҳри фахри фуқароси макоми берилганди. У аввало ўз юртининг, истараси иссиқ, жондан азиз ватандошларининг фахри эди. Шунинг учун изланишлари даврида йилот этган янгилики илғаб олиб, Ўзбекистон амалиётiga киритишга жон-жади билан киришарди. Мақсадлари рўёбга чиқмагунича, тиним билмасди. У тиббиёт имлини энг аввало инсонлар ҳақида қайтуриш деб тушунварди.

Малика Абдуллахўжаеванинг шогирдлари билан сұхбатлашиб қолсангиз, устозларининг соғлиқни сақлаш амалиётига жаҳон стандартлари асосидаги замонавий усусларни жорий этишдаги жасорати ҳақида гапириб беришини ўзлари учун шараф деб билишади.

Одам патологиясини ўрганиш мақсадида Тошкентда Республика патологик маркази ташкил этилди. Паталогик анатомия маркази биносини курилишига шахсан ўзи бош-қош бўлди. Республика патологик анатомия маркази илк тамал тоши кўйилган кундан ҳозирги давригача бўлган қизғин илмий-амалий фаoliyati давомида худди шу тенденцияга қатъий амал қилиб келади. Бунинг биринчи сабаби орамизда одамларга сидқидилдан хизмат қилиш, инсон ҳақида қайтуришини ўз вижидони амрига айлантира олган фидоийларнинг борлигига.

Ўзбекистон Қаҳрамони Малика Абдуллахўжаеванинг бўёр дунёдага вазифаси ва ҳаётдаги миссияси шу оддий ва ўз ўрнида мураккаб қоидага асосланганнида, дея хотирлайди шогирдларидан бири профессор Ҳасан Турсунов.

Ўз атрофига муносиб шогирдларни жамлаб,

упарга ҳақиқий устозлик даражасида йўл кўрсата олган, кези келганида бирига опа, бирига она бўлиб бошини силаган, илмий фолиантдан ташқари шахсий ҳаётда ҳам уларнинг ҳар бирига қайшиш, шогирдларининг корига яраган ҳаэроти инсон ҳақида кўпроқ билгим келарди.

“Ешим олтишидан оши... ҳаётда кўп инсонларни кўрдим. Илмнинг машақатли йўлларида неча бор йикилиб, неча бор қайта турдим... мен билган инсонлар орасида онамдай меҳрим тушган устозим Малика Абдуллахўжаеванинг ўрни бўлпакча эди. Мен бу инсон билан учрашувимизни тақдирнинг менга ато этган мукофоти деб биламан... 40 йил унинг илмидан сабоқ олдим, 40 йил у кўрсатган йўлдан юрдим, 40 йил унинг одамларга қилган яхшиликларидан сабоқ чиқардам”.

“Мен меҳнат таътилига чиқиша кўркардим, нега биласизми, яна сұхбатимизга кўшилди профессор Ражаббий Исроилов, сабаби, ўша мен дам олган пайдай устозим Малика опа менга нотаниш бўлган илмий терминларда гапира бошласа ҳеч нарсага тушунмаяпман дейишидан улардим. У доим ўз имлини ошириб боргани учун ҳам дунёдаги етакчи клиника олимлари билан уларнинг тилида бемалол баҳсга кириша оларди. Замонавий патологик анатомиянинг дунё миқёсида қандай тараққий топишни ҳар бир маъруzasida чўкур илмий салоҳият, пухта билим, замонавий илмий қарашлар билан исботлаб берарди. Хорижий мамлакатларда ўтказилган ўнлаб халқаро анжуманларда соф инглиз тилида патологик анатомия ва тиббиётнинг долзарб муаммоларига багишиланган илмий маърузалари билан иштирок этиб, илим ахлини, хорижик ҳамқасларини ҳайратга согланига ўзим гувоҳман. Устозимнинг шарафли номи дунё олимларни орасида ҳалигача катта ифтихор билан тилга олинади. Россия, АҚШ, Швейцария, Болгария, Венгрия, Италия, Бельгия, Югославия давлатларида чоп этилган илмий мақола ва рисолалари эса хорижик тиббиёт муассасаларида ишончли манбаа сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Тошкент тиббиёт академиясидаги ҳар бир устоз педагогониги Малика опа тўғрисида ҳар доим шундай тўлқинланиб гапириши сабабини олиманинг қизи Дилором Абдуллахўжаева кўйидагicha изоҳлади.

“Мен ақлимни танибманки, уйимиз талабалар билан гавжум бўлган. Онам кеч соат олтида ишдан кайтиб ўйга кирсалар, орадан бир соат ўтиб, 7да шогирдлар кириб келишарди. Ўшанда сакзис ёшда эдим. Мен уларнинг савол-жавоблари, гапларининг мазмунини тўлиқ тушунмасам-да, онамнинг бу одамларга ўта меҳрибонлигини хис этиб турардим. Балоғат ёшига этганимдан сўнг онамнинг сирдоши ва маслаҳдошига айландим. Мени ҳамиша унинг меҳридәрлiği ҳайратга соларди. Кафедрада, ишда, якин қариндошлар орасида у ҳамиша масъулиятни ўз зиммасига



оларди. Қўлидан келадиган иш бўлса, бироннинг ҳожатини чиқарип ёрдам бериши ўз бурчи хисобларди. Ҳалигача унинг шогирдлари, ҳатто оддий ишли, фаррош ва ҳайдовчилардан онам қўлган катта яхшиликлар борасида эшитаман. Ва шуни англаб етдимки, одамларга нафи тегадиган или билан одамгарчилик ҳамиша бир-бирини тўлдириб турад экан. Ўзгаларнинг ташвиши билан яшай олган инсонлар ҳақиқий илим кишилари экан. Мен шундай забардаст аёлнинг тарбиясини олиб, унинг йўлдан бораётганимни тақдирнинг менга ато этган беназир неъмати деб биламан”.

Америкадаги Халқаро Биография институти томонидан XX асрнинг эн буюк 500 алломаси сафира киритилган биринчи ўзбек олимаси.

Хотин-қиз талабалар орасида биринчилардан бўлиб Давлат стипендияси соҳиби.

Патологик анатомия фани бўйича биринчи фан доктори, профессор.

Мустақил давлат Ҳамдўстлиги мамлакатларидан чиққан энг биринчи ва якка ягона Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ) илмий маслаҳатчиси, эксперти ва муваққат маслаҳатчиси.

Халқаро Патология Академияси Марказий Осиё бўлнимининг биринчи президенти. Республика Патологик анатомия маркази ташкилотчиси, биринчи директори. Кембридж илмий маркази мутахассислари томонидан 1998 йилнинг энг салоҳиятли аёл унвонига сазовор бўлган биринчи ўзбек аёлни эди. Жаҳонга таникли оима, бағрикен ва меҳрибон она, самимий устоз, миллий тиббиётимиз равнавига орасида ҳалигача катта ифтихор билан тилга олинади. Россия, АҚШ, Швейцария, Болгария, Венгрия, Италия, Бельгия, Югославия давлатларида чоп этилган илмий мақола ва рисолалари эса хорижик тиббиёт муассасаларида ишончли манбаа сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Тошкент тиббиёт академиясидаги ҳар бир устоз педагогониги Малика опа тўғрисида ҳар доим шундай тўлқинланиб гапириши сабабини олиманинг қизи Дилором Абдуллахўжаева 2018 йилнинг 26 июнида Тошкент шаҳрида 86 ёшида вафот этган. Малика Абдуллахўжаева 15 та монография, 250 дан ортиқ илмий мақолалар, 15 та тематик тўплам, 7 та муаллифlik гувоҳномаси, тиббиёт тарихига багишиланган 2 та дарслик ва врачлар учун мўлжалланган битта қўлланма яратган. 1997 ва 2012 йилларда тиббиёт институтларининг 3-курс талабалари учун 2 жилдик “Одам патологиясининг асослари” дарслигини ўзбек ва рус тилларида чоп этирган. Ўзбек зиёллилари орасида ҳам латиф ҳам шарифлик мақомига эриша олган бу аёлнинг беназир илми, кучли мушоҳада, камдан-кам шифокорга насиб этадиган чуқур анатомик сезиги, одамлар қалбига йўл топа олишдек теран фалсафаси ҳамон у яратиб кетган катта илмий ҳазина сифатида ИНСОНлар саломатлиги йўлида хизмат қилишда давом этмоқда.

**Алижон ЗОХИДИЙ,
Гулчехра МИРЗАЕВА**



ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БҮЙИЧА ҚУЙИДАГИ ВАКАНТ БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ:

(2021 йил февраль)

Кафедра мудири

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Коммунал ва меҳнат гигиенаси” кафедраси

Катта ўқитувчи

Давола什 факультетига қарашли “1-сон ички касалликлари пропедевтикаси” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Информатика ва биофизика” кафедраси

Ассистент

Давола什 факультетига қарашли “1-сон ички касалликлари пропедевтикаси” кафедраси

Давола什 факультетига қарашли “2-сон ички касалликлар” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “2-сон факультет ва госпитал терапия” кафедраси

Тиббий педагогика факультетига қарашли “Фтизиатрия ва пульмонология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гистология ва тиббий биология” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Информатика ва биофизика” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Гематология, трансфузиология ва лаборатория иши” кафедраси

Тиббий профилактика факультетига қарашли “Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси” кафедраси

Давола什 факультетига қарашли “2-сон акушерлик ва гинекология” кафедраси

Малака ошириш факультетига қарашли “Травматология, ортопедия ва ҲДЖ” кафедраси

Олий маълумотли ҳамшира факультетига қарашли “Ўзбек ва хорижий тиллар” кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати бир ой эълон қилинган кундан бошлаб, ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.

Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уи.

Тошкент тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси “Тиббий ва биологик кимё” кафедраси мудири, доцент Муножат Кульманова УСМАНОВНАнинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinosari),
O.Hazratov, A.Zohidiy, D.Norgulov,
L.Abduqodirova, M. Hasanova

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiya RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q.Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади